

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА

Ф.З.Умарова, Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети,
“Тилларни ўрганиши” кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш давомида уларни шахс сифатида камол топтириш, ўз бурчи ва вазифаларига масъулиятли, Ватанга ва халқига садоқатли этиб тарбиялаш йўллари ҳақида фикр юритилади. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда ҳарбий хизматчилар ҳамда бўлғуси ҳарбийларнинг роли муҳимлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: ҳарбий хизматчи, курсант, бурч, садоқат, технология, шахс, инсон манфаати.

“Учинчи Ренессанс” номини олган Уйгониш жараёнини бошдан кечираётган, демократик ўзгаришлар ва амалий ишлар мамлакати сифатида Янги Ўзбекистонни барпо этаётган халқимиз сўнгти йилларда яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Ҳар бир фуқаро, ёш-у қари ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда, содир бўлаётган ўзгаришларни кўриб, янада кўп куч ва ғайрат билан умуммиллий ҳаракатда иштирок этмоқда. Зоро, Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, “Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳукуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир” [1].

Ўз олдига йирик мақсадларни қўйиб, юксак мэрралар сари интилаётган юртимизда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил бош мезон қилиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан ташкил топган. Мазкур стратегияда инсон қадр-қимматини таъминлаш бош мақсад сифатида белгиланган. “Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносаб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз” [2].

Сифатли таълимни таъминлаш Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий куч бўлган, янгича фикрайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, кенг

мушоҳадали, ўз касбини пухта эгаллаган, ижтимоий фаол фуқароларни тарбиялашнинг асосий шартидир. Саналган барча хислатларни бўлғуси ҳарбий хизматчиларда шакллантириш айниқса муҳим аҳамиятга эга, зеро ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, мамлакат ҳаётининг тинч ва осойишталигини сақлашда асосий қуч ҳисобланади.

Ёшларни ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган, юксак ижодий ва интеллектуал салоҳиятга эга қилиб тарбиялашда таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш, шахсни ривожлантиришга йўналтирилган ёндашувни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шахсга йўналтирилган таълим (ШИТ) жараёни таълим оловчи шахсини ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий механизми бўлиб, ҳар бир ўқувчи, талаба ва курсантнинг табиий қобилиятлари ва улар билан боғлиқ қизиқишлари, қадриятларига асосланган ҳолда, маҳсулдор фаолият орқали ўзини намоён этиш, билиш, ўқув фаолияти, хулқидаги табиий салоҳиятини жамиятнинг қадриятлари ва манфаатларига мувофиқ тарзда ошкор этиш имкониятини беради.

Натижада юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларни тарбиялашга муваффақ бўламиз. Тадқиқотчиларнинг фикрича, замонавий жамият талабларига жавоб берадиган мутахассис бир қатор лаёқат (компетенция)ларга эга бўлиши зарур, булар “юмшоқ” кўнимкалар деб аталмоқда (soft-skills): (а) қадрият-мазмунни англаш, (б) умуммаданий, (в) ўқув-билув, (г) ахборот, (д) мулоқот, (е) ижтимоий-мехнат, (ж) ўз шахсини такомиллаштириш [3].

Бугун кишилардан талаб қилинадиган энг муҳим сифатлардан бири ўз шахсини такомиллаштиришdir. Ўрганиш ва ривожланиш жараёни кўп жиҳатдан ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. “Ўқувчилар (бизнинг мисолимизда – курсантлар) маълум маънода отларга ўхшайдилар: уларни сув ёнига олиб бориш мумкин, лекин сув ичишга мажбурлаб бўлмайди” [4]. Демак, таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигига эришиш учун мазкур жараённи ташкил этишда ҳар бир таълим оловчининг қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эркин мулоқотини ўрнатиш, қайта боғланиш, рефлексия қоидаларига амал қилиш кутилган натижани беради. Бўлғуси ҳарбий хизматчиларни ўқитишида ички ва ташқи мотивацияни кучайтириш кўзланган мақсадга эришишда самарали бўлади.

Юқорида тилга олинган Тараққиёт стратегиясининг 7 та йўналишини амалга ошириш инсонларнинг, жумладан ҳарбий хизматчиларнинг фуқаролик хуқуқидан фойдаланишлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш (1-йўналиш), мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига

айлантириш (2-йўналиш), адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш (4-йўналиш), Ўзбекистон хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш (7-йўналиш) каби йўналишлар ҳарбий хизматчиларнинг вазифаларини аниқлаштириб белгилаб беради. Булар орасида айнан бизнинг олий таълим муассасамизнинг ихтисослигидан келиб чиқсан 16-мақсад, яъни “жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” [5] Миллий гвардия офицерларининг, шунингдек бўлғуси ҳарбий хизматчиларни тарбиялайдиган профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини янада оширади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқук ва мажбурият каби фалсафий тушунчалар доим ёнма-ён туради. Жумладан, фуқаролик ҳуқуқига инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, унинг обрў-эътибори, қадр-киммати, шаъни, шахсий ва оиласиий сири, номга бўлган ҳуқук, шахсий ҳаёти дахлсизлиги ва ҳоказолар киради. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва офицер ўз мажбурият ва вазифаларини астойдил, сидқидилдан бажариши учун аввало ўзлигини англаши, ўз халқи тарихини пухта ўрганиши, давлат сиёсатининг устувор йўналишларини билиши, профессионал кўнікма ва малакаларга эга бўлиши талаб этилади. Шундагина у жанговар шайликка эришади, Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини кучайтиришга ўз хиссасини қўша олади.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг сони ҳам, сифати ҳам ўзгача. Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий олий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилди, курсантларни ўқитиши тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди. Бу тадбирларнинг барчаси Тараққиёт стратегиясида белгиланган 2026 йилга қадар “Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш” деб белгиланган 46-мақсадга эришишга йўналтирилган.

Бўлғуси ҳарбий хизматчи ва офицерларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети раҳбарияти барча кучларни сафарбар этмоқда. Жумладан, янги ўқув бинолари қурилди, мавжуд ўқув хоналари капитал таъмирланди, машғулотларни инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари асосида олиб бориш учун ўқув аудиториялари замонавий компьютер техникаси билан, интерактив доскалар билан жиҳозланди. Курсантлар ва офицерлар, шунингдек профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида

ишлаши, касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириши учун хизмат қиласидан, ҳозирги кун талабларига түлиқ жавоб берадиган ахборот-ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, унда 2 та ўқув зали мавжуд. Марказ 50 мингдан зиёд ўқув, 35 мингдан зиёд бадиий, 25 мингдан зиёд электрон адабиёт, 40 дан зиёд Интернет тармоғига уланган сўнгги русумдаги компьютер техникаси билан таъминланган.

Таълим жараёнига салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш мақсадида уларни танлов асосида ишга қабул қилиш жорий этилган. Барча фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарслеклар, ўқув қўлланмалари муқобиллик тамойили асосида, илғор методлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий қилинмоқда. Машғулотлар давомида фанлараро боғлиқлик, таълим ва тарбиянинг узвийлиги, курсант ва талабаларнинг касбий қўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, таълим олувчиларнинг халқ билан жипслигига эришиш, ОТМ-маҳалла ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида университетга яқин ҳудудларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилмоқда.

Яратилган барча шарт-шароитлар профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлашга, бўлғуси ҳарбий хизматчи ва офицерларнинг билим ва малакаларини, ақлий салоҳиятини, руҳий тайёргарлигини оширишга, уларда ватанпарварлик ва миллий ўзликни англаш фазилатларини камол топтиришга, жанговар руҳни тарбиялашга хизмат қиласи. Шундагина ҳарбий хизматчилар, давлатимиз раҳбарияти ва бутун халқ кутганидек, том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, миллат фаҳрига айланади.

Ҳарбий хизматчи ва офицерлар республика ва жаҳон миқёсида ўтказиладиган турли танлов ва мусобақаларда қатнашиб, ўз маҳоратлари ва жанговар тайёргарликларини намойиш қилиб келмоқдалар. Жумладан, 2022 йилнинг 15-27 август кунлари Ўзбекистон ҳарбийлари «АрМИ-2022» ҳарбий ўйинларида қатнашиб, 37 давлат жамоалари орасида фаҳрли иккинчи ўринни эгалладилар, 7 та олтин, 10 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритдилар, шунингдек, 22 та шахсий ва жамоавий рекордни янгиладилар. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Президентининг қуидаги сўзларининг исботидир: “Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолиши маслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда” [6].



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. 17.08.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4547>
2. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз / Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутки. 06.11.2022. <https://uza.uz/posts/318163>
3. Умарова Ф. З. Развитие личности учащегося—залог обеспечения устойчивого развития //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2011. – №. 9. – С. 644-645.
4. Умарова Ф. З. О ВНЕДРЕНИИ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ В СИСТЕМЕ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ //Образование через всю жизнь: Непрерывное образование для устойчивого развития: тр. междунар. сотрудничества.–Т. 7/сост. НА Лобанов; под науч. ред. НА Лобанова и ВН Скворцова. Ленингр. гос. ун-т им. АС Пушкина, НИИ соц.-экон. и пед. пробл. непрерыв. образования.–СПб.: ЛГУ им. АС Пушкина, 2009.–512 с. – 2009. – С. 375.
5. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармонига 1-илова. <https://lex.uz/docs/5841063>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табриги. 14.01.2020. <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoyev-ozbekiston-respublikasi-qurolli-kuchlari-tashkil-etilganining-28-jilligi-va-vatan-himoyachilar-kuni-munosabati-bilan-bajram-tabrigi-jolladi>
7. Ikanova, L. (2020). ANALYSIS OF TWO TASKS FROM THE POINT OF PRAGMATICS. Modern trends in linguistics: problem and solutions, 25-26.
8. Латипов, О. (2021). К ВОПРОСУ ОБ ОБУЧЕНИИ ЯЗЫКАМ ПОСРЕДСТВОМ ВЫЯВЛЕНИЯ АНАЛОГИЙ. АКТУАЛЬНОЕ В ФИЛОЛОГИИ, 4(4).
9. Shirinova, N., & Abdullayeva, N. (2014). English for You. Study-book for the intermediate students of irrigation and melioration.
10. Дарвишова, Г. К., & МАҲОРАТ, Ш. Б. А. Б. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-asarlarida-badiiy-ma-orat> (дата обращения: 10.10. 2023).



- 11.Nasimovich R. N. Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners //International Journal on Integrated Education. – Т. 4. – №. 8. – С. 16-21.
- 12.qizi Ikanova, L. S. (2020). IMPROVING LISTENING SKILLS THROUGH ICT. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 2(11), 334-338.
- 13.Kenjabayevna, D. G. (2023). DESCRIPTION OF GENDER ISSUES IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE. TADQIQOTLAR, 26(1), 18-21.
- 14.Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.
- 15.Латипов, О.Ж. Интерпретация ихтиологической лексики в русском и узбекском языках//Сборник научных трудов Международной научно-практической конференции. Ташкент-Екатеринбург, 2022, С. 65-67.
- 16.Shirinova, N., & English, A. N. L. L. (2016). for Agriculture. Study-book for the students of agriculture.